**«Uzbek Leasing International A.O.» АЖ**
**Уставига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар.**

| **Эски тахрир** | **Янги тахрир** |
|---|---|
| **1.3 ҚИСМ. Манзил.** | **1.3. Манзил.** |
| (а) Компаниянинг жойлашган жойи (почта манзили) қуйидагича: 100066, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Бешёғоч кўчаси, 1-уй | (а) Компаниянинг жойлашган жойи (почта манзили) қуйидагича: 100084, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур кўчаси, 88а-уй |
| (б) Компаниянинг электрон почта манзили қуйидагича:<br>- uzlease@sarkor; ва<br>- info@uzbek-leasing.uz | (б) Компаниянинг электрон почта манзили қуйидагича:<br>- uzlease@sarkor; ва<br>- info@uzbekleasing.uz |
| **4.3 ҚИСМ. Устав фондини кўпайтириш ва камайтириш.** | **4.3. Устав фондининг кўпайиши ва камайиши.** |
| (б) Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қиймати ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини Компаниянинг ззи кейинчалик муомиладан чиқариш шарти билан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. | (б) Компаниянинг Устав фонди акцияларнинг номинал қиймати ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан, акцияларнинг бир қисмини Компаниянинг ззи кейинчалик муомиладан чиқариш шарти билан сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин. |
| Агар устав фондини камайтириш натижасида унинг миқдори ушбу Уставга киритилган тегишли ўзгартиришларни рўйхатдан ўтказиш куни холатига қонун ҳужжатларида белгилангандан камайиб кетадиган бўлса, Компания Устав фондини камайтиришга ҳақли эмас. | *Истисно қилинган* |
| **5.1 ҚИСМ. Акциядорларнинг ҳуқуқлари.** | **5.1. Акциядорларнинг ҳуқуқлари.** |
| (о) Компания қўшимча чиқарадиган оддий акицяларни ўзига тегишли акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли олиш; | (о) Компания чиқарадиган акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган, ҳақи пул маблағлари билан тўланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли акциялар миқдодрига мутаносиб миқдорида имтиёзли сотиб олиш; |
| **10.3 ҚИСМ. Билдириш, кун тартиби.** | **10.3. Билдириш, кун тартиби.** |
| Акциядорларнинг Умуий йиғилишлари бундай йиғилиш ўтказилиши тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан 10 кундан кам ва 30 кундан кўп бўлмаган муддатда ўтказилиши лозим. Ҳар қандай холатда ҳам, Акциядорлар умумий йиғилиши куни шундай белгиланиши | Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисидаги хабар акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган санадан камида 21 кундан кечиктирмай, лекин узоғи билан 30 олдин Корпоратив ахборотнинг ягона порталида, жамиятнинг расмий веб-сайтида ва |

керакки, вақтида виза олиш ва йиғилиш ўтказиладиган жойга етиб келиш учун етарли вақт берилиши лозим. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш тўғрисида акциядорларга хабар бериш тегишли ахборотни матбуотда ва Компаниянинг расмий вебғсайтида эълон қилиш ҳамда кузатув кенгаши томонидан белгиланган санага шакллантирилган Компания акциядорлари реестри асосида акциядорларнинг электрон почтасига билдиришнома юбориш орқали амалга оширилиди. Акциядорлар Умумий йиғилиши тўғрисидаги хар бир Билдиришда бундай йиғилишда кўриб чиқиладиган ва овозга қўйиладиган масалалар, Акциядорларнинг умумий йиғилиши ўтказиладиган жой, кун ва соат, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан талаб этилган бошқа маълумотлар акс этирилади.

оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, хамда Кузатув кенгаши белгилаган санага шакллантирилган Компания акциядорлари реестри асосида акциядорларга электрон почта орқали юборилади. Ҳар қандай холатда ҳам, Акциядорлар умумий йиғилиши куни шундай белгиланиши керакки, вақтида виза олиш ва йиғилиш ўтказиладиган жойга етиб келиш учун етарли вақт берилиши лозим. Акциядорлар йиғилиши тўғрисидаги хар бир Билдиришда бундай йиғилишда кўриб чиқиладиган ва овозга куйиладиган масалалар, Акциядорлар умумий йиғилиги ўтказиладиган жой, кун ва соат, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан талаб этилган бошқа маълумотлар акс эттирилади.